



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 4 » октябрь

№ ПҚ–347

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Инсон ресурсларини ривожлантириш, меҳнат бозорини ислоҳ қилиш, бандликнинг замонавий шакллари татбиқ этиш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича соҳада кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини ошириш, халқаро андозалар асосида муносиб меҳнат муносабатларини кенг жорий қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги ПФ–143-сон Фармониغا мувофиқ **“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури** қабул қилинганлиги ҳамда ушбу дастур ижросини ташкил қилиш вазифаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига (кейинги ўринларда – Вазирлик) юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини ташкил қилишнинг яхлит тизимини жорий этишни назарда тутган ҳолда қуйидагилар Вазирлик фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

меҳнат бозорини, банд ва ишсиз аҳолини таркибий таҳлил қилиш, ишсизларни манзилли аниқлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш – меҳнат бозорини таҳлил қилиш ва ишсизларнинг ҳисобини манзилли (номма-ном) юритиш, иқтисодиётнинг ривожланиб келаётган тармоқ ва соҳаларида меҳнат ресурсларига бўлган талабни прогноз қилиш, меҳнат бозоридаги таркибий муаммоларни аниқлаш ва номуносибликларнинг олдини олиш, Халқаро меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорликда ишлаш;

аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини шакллантириш, бўш иш ўринлари ҳисобини юритиш, ишсизларни ишга жойлаштириш – ҳар йил учун ҳудудлар, тармоқ ва соҳалар кесимида аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва ўнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, мавжуд бўш иш ўринлари ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш, ишсиз фуқароларни ишга жойлаштиришни ташкил этиш ва иш берувчилар билан боғлаш;

камбағалликни қисқартириш – камбағаллик динамикаси ва таркибини таҳлил қилиш, оилаларни камбағалликдан чиқариш индивидуал режаларининг ишлаб чиқилишини ташкил этиш ва ижросини мувофиқлаштириш, аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилган ишларни жойларга чиққан ҳолда ўрганиш ҳамда натижаси бўйича “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) ҳар ойда маълумот киритиб бориш;

ҳоким ёрдамчилари фаолиятини мувофиқлаштириш – маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси (кейинги ўринларда – ҳоким ёрдамчиси) фаолиятини услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳалар билан ишлаш кўникмаси ва малакасини ошириб боришни доимий таҳлил қилиш, энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш, фаолиятида аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

касбий стандартларни ишлаб чиқиш, касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш, малакани баҳолаш – халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда хорижда тан олинадиган касбий стандартларни ишлаб чиқиш, талаб юқори бўлган касб ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш, стандартлар асосида малакани баҳолаш хизматлари бозорини тартибга солиш, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш;

муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат меъёрларига риоя этилишини ўрганиш, меҳнат ҳуқуқини таъминлаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш – муносиб меҳнат тамойиллари ва халқаро стандартларни жорий этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳамда муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш.

3. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тугатилсин ҳамда унинг штат бирликлари, вазифалари, функциялари ва мол-мулки Вазирлик тасарруфига ўтказилсин.

4. Вазирлик Республика комиссиясининг ишчи органи сифатида қўйидагиларни амалга оширсин:

оилаларни камбағалликдан чиқариш **индивидуал режаларининг тўғри, мақсадли, манзилли тузилганлиги** ва натижадорлигини ҳамда энг оғир аҳволдаги маҳаллаларнинг инфратузилмасини яхшилаш бўйича ишларнинг **ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини** таҳлил қилади;

индивидуал режаларнинг ижросини мувофиқлаштиради, зарур ҳолларда, уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали самарали натижага эришилишини таъминлайди;

индивидуал режаларни амалга оширишда аниқланган муаммоларни мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ҳал қилади ҳамда тизимли муаммолар ечими бўйича таклифларни Республика комиссиясига киритади;

камбағал оилаларга ва энг оғир аҳволдаги маҳаллаларга бириктирилган ташкилотлар раҳбариятининг фаолияти самарадорлигини мониторинг қилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) Вазирлик ҳудудий бўлинмаларининг камбағалликни қисқартириш ва касб-ҳунарга ўқитиш йўналишлари бўйича фаолияти лойиҳавий ёндашув тамойили асосида ташкил этилади;

б) камбағаллик даражаси юқори бўлган туман (шаҳар) ёки маҳалла бўйича аниқ чора-тадбирлардан иборат лойиҳавий бошқарув тизими жорий этилади. Бунда энг оғир аҳволдаги маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, шў жумладан томорқаларни суғориш суви, маҳаллаларни электр энергияси ва интернет билан ўзлуксиз таъминлаш маблағлари Вазирликнинг **аниқ лойиҳалари бўйича ажратилади;**

в) Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларига қўйидаги ваколатлар берилади:

туман (шаҳар) ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини билан маҳаллаларда камбағалликни қисқартиришга қаратилган **уч томонлама шартнома** тузиш;

уч томонлама **шартнома шартлари** бажарилишини назорат қилиш ва унинг шартлари **бажарилмаган тақдирда**, инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган маблағларнинг ажратилишини **тўхтатиш;**

г) маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш лойиҳалари ва давлат томонидан тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган маблағлар Вазирлик таклифига биноан Республика комиссияси томонидан тақсимланади.

6. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш орқали камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича Вазирлик:

уч ой муддатда ижобий натижа берган **“100 та энг самарали микролойиҳа”** каталогини яратсин ҳамда ҳоким ёрдамчилари орқали республиканинг барча ҳудудларида оммалаштириш чораларини кўрсин;

2025 йил 1 декабрга қадар 50 та туманда, 2026 йилда қолган туманларда 50–100 гектардан ижара асосида ажратилган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида **саноатлашган плантация, боғ ва узумзорлар** ташкил этсин;

2025 йил 1 декабрга қадар ижара асосида ер майдонлари ажратилган туманларда камида **40 гектар майдонда “бир контур – бир маҳсулот”** тамойили асосида юқори даромадли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича **намунавий лойиҳаларни** амалга оширсин;

2026 йил 1 августга қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда камида **иккитадан** кўп қаватли **комплекс саноат марказларини** барпо этиш ва тадбиркорларни жойлаштириш лойиҳаларини амалга оширсин;

саноат кириб бормаган маҳаллаларда **2025 йил 1 декабрга қадар 1 000 та, 2026 йилда 2 000 та** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга туширсин;

ҳар йили камида 500 та ҳунармандчилик ва касаначилик лойиҳаларини маҳалланинг ўзида **жорий этиш ҳамда кенгайтириш** чораларини кўрсин;

2025 йил 1 декабрга қадар 2 000 та маҳаллада, **2026 йил якунига қадар қолган маҳаллаларда** салоҳиятли тадбиркорлар, экспортёрлар ва брокерлар билан ҳамкорликда **етакчи тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйсин;**

2025 йилдан бошлаб етакчи тадбиркорларни жалб қилган ҳолда иқтисодиётнинг тегишли тармоқ ва соҳаларига **ихтисослашган маҳаллалар сонини ҳар йили 10 фоизга** ошириб борсин;

ҳар йили 50 минг нафар ўзини ўзи банд қилган фуқароларни босқичма-босқич кичик бизнес субъектларига айлантириш чораларини кўрсин.

7. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш орқали камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича ҳудудлар кесимидаги **мақсадли кўрсаткичлар 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

8. Белгилансинки, Вазирликда юқори натижага эришиб келаётган, ижобий тажрибага эга **50 нафар** ҳоким ёрдамчисидан иборат **“Лойиҳа менежерлари” гуруҳи ташкил этилади.** Бунда:

“Лойиҳа менежерлари” гуруҳи таркибидаги ҳар бир ҳоким ёрдамчиси **самарадорлик кўрсаткичлари паст бўлган туман (шаҳар)ларга бириктирилади** ва улар олти ойгача мазкур туман (шаҳар)лардаги маҳаллаларга хизмат сафарига юборилади;

хизмат сафари давомида “Лойиҳа менежерлари” гуруҳидаги ҳоким ёрдамчилари, иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловлар сақлаб қолинган ҳолда, лавозим маошининг **50 фоизи** миқдорида қўшимча моддий рағбатлантирилади;

“Лойиҳа менежерлари” гуруҳи таркибидаги ҳоким ёрдамчиларининг хизмат сафари ва уларни моддий рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар **Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ҳоким ёрдамчиларини қонунчиликда уларга юклатилган вазифалардан ташқари бошқа ишларни бажаришга жалб этиш тақиқланганлиги қайд этилсин.

9. Ишсиз ва камбағал аҳолини ички ва ташқи меҳнат бозори талабларига мос бўлган **ишчи касбларга ўқитиш тизимини ташкил этиш** мақсадида:

а) Вазирлик ҳузуридаги “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказлари негизида **касбий кўникмалар марказлари** ташкил этилсин;

б) Вазирлик касбий кўникмалар марказларида:

2025 йил 1 январдан иш берувчилар талабига мослашувчан ўқитиш муддати ва вақтини назарда тутувчи **тезкор курслар** йўлга қўйилишини;

2025 йил 1 мартдан бошлаб амалий касбий кўникмаларни бевосита иш жойида шакллантириш имконини берувчи янги тажрибанинг жорий этилишини;

2025 йил 1 майдан бошлаб халқаро тан олинган таълим дастурларининг жорий этилишини;

2026 йил 1 январга қадар касбий кўникмалар марказларини халқаро баҳолаш ташкилотларининг аккредитациясидан ўтказиш орқали уларнинг битирувчиларига **хорижда тан олинадиган сертификатлар** (малака паспортлари) берилишини таъминласин;

2026 йил 1 июлга қадар малакали хорижий ташкилотни жалб қилган ҳолда халқаро стандартлар бўйича **касбий малакани баҳоловчи марказни** ташкил қилсин ва ушбу марказда **хорижий давлатларда тан олинадиган малака сертификати** беришни йўлга қўйсин;

в) Вазирликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

касбий кўникмалар марказларининг бино-иншоотлари ёки уларнинг бир қисмини жиҳозлари билан бирга уларда касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш курсларини ташкил қилиш учун хорижий иш берувчилар ва таълим ташкилотларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича **текин фойдаланишга ёки ўзоқ муддатли ижарага бериш**;

касбий кўникмалар марказларини соҳада етарли тажрибага эга маҳаллий ва хорижий ташкилотларга тўғридан-тўғри шартномалар асосида **ишончли бошқарувга бериш**;

халқаро тан олинган касб стандартларини ишлаб чиқиш учун юқори малакали хорижий экспертларни шартнома асосида жалб этиш.

10. Қуйидагилар:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказлари негизида ташкил этиладиган **касбий кўникмалар марказлари рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

Касбий кўникмалар марказларининг асосий фаолият йўналишлари **3-иловага** мувофиқ;

Тугатилаётган ҳамда бино ва иншоотлари Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилаётган касб-ҳунарга ўқитиш **марказлари рўйхати 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

11. Вазирлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2025 йил 1 январдан Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида, **2025 йил 1 сентябрдан** республиканинг бошқа ҳудудларида ишсиз ва иш қидираётган шахсларни буюртма асосида давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ҳамда иш берувчиларни жалб қилган ҳолда ўқитиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, ишсиз ва иш қидираётган шахсларни буюртма асосида ўқитиш доирасида:

Вазирлик томонидан талаб юқори бўлган касб ва хорижий тиллар рўйхати ҳамда ушбу жараёнга жалб этиладиган хусусий ўқув марказларининг реестри шакллантирилади;

касблар ва хорижий тилларга ўқитиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган **грантлар қиймати** Вазирлик томонидан белгиланади;

ишсиз ва иш қидираётган шахсларга рўйхатда белгиланган касб ва хорижий тилларни ҳамда уларни ўқитадиган таълим ташкилотлари ёки иш берувчиларни **мустақил танлаш ҳуқуқи** берилади;

таълим ташкилотлари ва иш берувчиларга грант маблағларининг **50 фоизгача** миқдори ўқиш бошланишидан олдин, қолган қисми ўқиш якуни бўйича ишсиз аҳоли томонидан якуний имтиҳон муваффақиятли топширилган тақдирда тўланади.

12. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2024 йил 1 ноябрдан бошлаб Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан **меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан текширувлар** текширув бошланган пайтдан бошлаб Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни **хабардор қилган ҳолда** ўтказилади;

б) 2025 йил 1 мартдан бошлаб:

Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахсларига меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаганлиги учун **камерал назорат** ўтказиш ваколати берилади;

меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузган, Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашган, тўсқинлик қилган ёки таъсир ўтказган шахсларга нисбатан **жарима қўллаш тартиби** жорий этилади;

Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими маълумотларидан фойдаланган ҳолда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қурилаётган, таъмирланаётган ёки реконструкция қилинаётган объектлардаги **ишчилар сонининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда пудрат ишлари ҳажмига мувофиқлиги юзасидан** назорат тадбирларини ўтказишга рухсат этилади;

в) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига Давлат меҳнат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ходимларини **бир ойда жами 10 иш кунидан** ортиқ муддатга текширувлар ўтказишга жалб қилиш тақиқланади.

13. Вазирлик 2025 йил 1 апрелга қадар:

а) **Миллий вакансиялар базасида** мамлакатдаги мавжуд бўш иш ўринларини, талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларни аниқлаш, таклиф этилаётган иш ҳақи, талаб қилинадиган малака талаблари, меҳнат шароитлари, иш вақти режими ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган **платформани** ишга туширсин;

б) Ягона миллий меҳнат тизими орқали:

иш берувчилар ва ходимларга **тижорий электрон хизматлар кўрсатиш** тизимини йўлга қўйсин;

янги услубиёт асосида қисқа ва ўрта муддатларда касб ҳамда мутахассисликларга бўлган талабнинг прогнозларини шакллантирсин;

замонавий ахборот технологияларини қўллаган ҳолда меҳнат ресурслари ҳисоби ва статистикасини юритсин;

в) аҳолига бандлик хизматларини экстерриториал тарзда кўрсатиш тартибини ишлаб чиқсин. Бунда ишсиз ва иш қидираётган фуқароларга ишга жойлаштириш йўлланмасини исталган бандлик органлари орқали бериш назарда тутилсин.

14. Белгилансинки, ички меҳнат бозорини ҳимоя қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилаётган хорижий фуқаролар ҳисобини юритиш мақсадида юридик шахсларга ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни бериш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

Вазирлик бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномаларни берганлик учун ундириладиган йиғимлар суммасининг тақсимооти бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Вазирлик ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг Меҳнат бозори тадқиқотлари институтини **Камбағаллик ва меҳнат бозори тадқиқотлари институти** этиб қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, **Камбағаллик ва меҳнат бозори тадқиқотлари институти зиммасига** республикада демографик ўзгаришлар, меҳнат бозорида вужудга келаётган тенденциялар, ихтисосликлар бўйича меҳнат ресурсларига нисбатан талаб ва эҳтиёжлар ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш вазифалари юклатилади.

16. Қўйидагилар:

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ташкилий тузилмаси **5-иловага** мувофиқ;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “йўл харитаси” **6-иловага** мувофиқ;

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини рағбатлантириш шартлари **7-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида давлат муассасалари шаклида ташкил этилган Янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари юридик шахс мақоми тугатилган ҳолда Вазирликка ўтказилсин.

Белгилансинки:

ҳудудий жамғармаларнинг ижро этувчи дирекциялари тугатилади ҳамда ҳудудий жамғармалар фаолиятини ташкил этиш ва юритиш вазифалари Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) томонидан амалга оширилади;

ҳудудий жамғармалар маблағлари амалдаги йўналишларга қўшимча равишда “Лойиҳа менежерлари” гуруҳи томонидан юқори самара берган ижобий тажрибаларни бошқа ҳудудларда жорий этиш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш, етакчи тадбиркорлар ва уста деҳқонларни жалб этишга сарфланади.

18. Белгилансинки, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда меҳнат муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

2025 йил 1 январдан бошлаб ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилишни кучайтириш, иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги мувозанатли меҳнат муносабатларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат соҳасидаги низоларни ҳал этишни **медиация усулида видеоконференцалоқа шаклида** амалга ошириш тизими жорий этилади;

2025 йил 1 мартдан бошлаб мўлкчилик шаклидан қатъи назар барча ташкилотларда меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнат муҳофазаси таъминланганлик ҳолати онлайн **рейтинг асосида баҳоланади**;

2026 йил 1 январга қадар иш жойларидаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олиш ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш мақсадида **меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси стандартлари** ишлаб чиқилади.

19. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг инсон ресурслари билан ишлашга масъул таркибий тузилмаларининг раҳбар ва ходимлари **ҳар уч йилда** камида бир марта меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича **Вазирлик ҳузуридаги малака ошириш марказида** шартнома асосида малакасини ошириб боради.

20. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирига қўйидаги ваколатлар берилсин:

вазир маслаҳатчилари, ҳудудий бошқармалар, Вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар, ҳудудий инспекция раҳбари ва ўринбосарларини мустақил тарзда лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш. Бунда ҳудудий бошқармалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилади;

Вазирлик марказий аппарати, ҳудудий бошқармалар ва Вазирлик тизимидаги ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимлари учун фаолият самарадорлиги кўрсаткичларини (KPI) белгилаш ҳамда назоратини олиб бориш;

Вазирликка тегишли жамғармалар ҳисобидан ва ўз ҳисобидан молиялаштириладиган Вазирлик тизимидаги ташкилотлар штат бирликларини, раҳбар ва ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда моддий рағбатлантириш шартларини ва миқдорларини мустақил белгилаш.

21. Вазирлик Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ўшбў қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.Э. Захидов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш орқали
камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича ҳудудлар кесимидаги
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Жами	Ҳудудлар кесимида:													
			Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
1.	Ижара асосида ажратилган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида санатлашган плантация, боғ ва ўғимзорлар ташкил этиш.	167	16	15	12	12	14	6	11	14	9	14	15	18	11	-
1.1.	2025 йил 1 декабрга қадар	50	5	4	4	4	4	2	3	4	3	4	4	6	3	0
1.2.	2026 йил давомида	117	11	11	8	8	10	4	8	10	6	10	11	12	8	0
2.	Ижара асосида ер майдонлари ажратилган туман (шаҳар)ларда камида 40 гектар майдонда "бир контур – бир маҳсулот" тамойили асосида юқори даромадли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича намунавий лойиҳаларни амалга ошириш.	6680	640	600	480	480	560	240	440	560	360	560	600	720	440	0

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Жами	Худудлар кесимида:													
			Қорақалпоғистон Республикаси	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Тошкент шаҳри
3.	Ҳар бир вилоятда камида иккитадан йирик кўп қаватли комплекс саноат марказларини барпо этиш ва тадбиркорларни жойлаштириш.	28	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
4.	Саноат кириб бормаган маҳаллаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда кичик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга тушириш.	3 000	144	288	173	98	261	105	250	357	76	230	326	338	168	186
4.1.	2025 йил 1 декабрга қадар	1 000	48	96	58	33	87	35	83	119	25	77	109	113	56	61
4.2.	2026 йил давомида	2 000	96	192	115	65	174	70	167	238	51	153	217	225	112	125
5.	Ҳар йили ҳунармандчилик ва касаначилик лойиҳаларини маҳалланинг ўзида жорий этиш ҳамда кенгайтириш чораларини кўриш.	500	41	39	31	32	38	26	34	38	26	36	53	46	31	29
6.	Маҳаллаларда салоҳиятли тадбиркорлар, экспортёрлар ва брокерлар билан ҳамкорликда етакчи тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш.	4 122	198	398	237	136	359	144	344	492	105	316	447	464	231	251
6.1.	2025 йил 1 декабрга қадар	2 000	96	193	115	66	174	70	167	239	51	153	216	225	112	123
6.2.	2026 йил давомида	2 122	102	205	122	70	185	74	177	253	54	163	231	239	119	128
7.	Ҳар йили ўзини ўзи банд қилган фуқароларни босқичма-босқич кичик бизнес субъектларига айлантириш чораларини кўриш.	50 000	2 727	4 621	2 783	2 017	4 847	1 471	4 175	5 730	1 231	3 869	4 155	5 530	2 717	4 127

**Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги
“Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказлари
негизида ташкил этиладиган касбий кўникмалар марказлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Негизида касбий кўникмалар марказлари ташкил қилинаётган муассасалар номи	Касбий кўникмалар маркази номи
Қорақалпоғистон Республикаси			
1.	Нукус шаҳри	Нукус шаҳар “Ишга марҳамат” мономаркази	Нукус шаҳри касбий кўникмалар маркази
2.	Элликқалъа тумани	Элликқалъа касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Элликқалъа тумани касбий кўникмалар маркази
3.	Тахиатош тумани	Тахиатош касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Тахиатош тумани касбий кўникмалар маркази
4.	Нукус тумани	Нукус касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Нукус тумани касбий кўникмалар маркази
Андижон вилояти			
5.	Андижон шаҳри	Андижон шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази	Андижон шаҳри касбий кўникмалар маркази
6.	Шаҳрихон тумани	Шаҳрихон касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Шаҳрихон тумани касбий кўникмалар маркази
7.	Асака тумани	Асака касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Асака тумани касбий кўникмалар маркази
8.	Қўрғонтепа тумани	Қўрғонтепа касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Қўрғонтепа тумани касбий кўникмалар маркази
Бухоро вилояти			
9.	Бухоро шаҳри	Бухоро шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази	Бухоро шаҳри касбий кўникмалар маркази
10.	Жондор тумани	Жондор касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Жондор тумани касбий кўникмалар маркази
11.	Ромитан тумани	Ромитан касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Ромитан тумани касбий кўникмалар маркази
Жиззах вилояти			
12.	Жиззах шаҳри	Жиззах шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази	Жиззах шаҳри касбий кўникмалар маркази
13.	Зафаробод тумани	Зафаробод касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Зафаробод тумани касбий кўникмалар маркази
Қашқадарё вилояти			
14.	Қарши шаҳри	Қарши шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази	Қарши шаҳри касбий кўникмалар маркази

T/p	Туман (шаҳар) номи	Негизда касбий кўникмалар марказлари ташкил қилинаётган муассасалар номи	Касбий кўникмалар маркази номи
15.	Касби тумани	Касби касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Касби тумани касбий кўникмалар маркази
16.	Деҳқонобод тумани	Деҳқонобод касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Деҳқонобод тумани касбий кўникмалар маркази
17.	Кўкдала тумани	Кўкдала туман “Ишга марҳамат” мономаркази	Кўкдала тумани касбий кўникмалар маркази
18.	Қамаши тумани	Қамаши касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Қамаши тумани касбий кўникмалар маркази
19.	Шаҳрисабз шаҳри	Шаҳрисабз шаҳридаги Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш маркази (KOICA)	Қашқадарё вилояти касбий кўникмалар минтақавий маркази
Навоий вилояти			
20.	Навоий шаҳри	Навоий шаҳри “Ишга марҳамат” мономаркази	Навоий шаҳри касбий кўникмалар маркази
21.	Учқудуқ тумани	Учқудуқ туман касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Учқудуқ тумани касбий кўникмалар маркази
22.	Нурота тумани	Нурота туман “Ишга марҳамат” мономаркази	Нурота тумани касбий кўникмалар маркази
Наманган вилояти			
23.	Наманган шаҳри	Наманган шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази	Наманган шаҳри касбий кўникмалар маркази
24.	Наманган тумани	Наманган касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Наманган тумани касбий кўникмалар маркази
25.	Тўрақўрғон тумани	Тўрақўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Тўрақўрғон тумани касбий кўникмалар маркази
26.	Учқўрғон тумани	Учқўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Учқўрғон тумани касбий кўникмалар маркази
Самарқанд вилояти			
27.	Самарқанд шаҳри	Самарқанд шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази	Самарқанд шаҳри касбий кўникмалар маркази
28.	Каттақўрғон шаҳри	Каттақўрғон шаҳри “Ишга марҳамат” мономаркази	Каттақўрғон шаҳри касбий кўникмалар маркази
29.	Булунғур тумани	Булунғур касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Булунғур тумани касбий кўникмалар маркази
30.	Иштихон тумани	Иштихон касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Иштихон тумани касбий кўникмалар маркази
31.	Жомбой тумани	Жомбой касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Жомбой тумани касбий кўникмалар маркази
32.	Самарқанд шаҳри	Самарқанд ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази (KOICA)	Самарқанд вилояти касбий кўникмалар минтақавий маркази

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Негизда касбий кўникмалар марказлари ташкил қилинаётган муассасалар номи	Касбий кўникмалар маркази номи
Сурхондарё вилояти			
33.	Ангор тумани	Ангор туман “Ишга марҳамат” мономаркази	Ангор тумани касбий кўникмалар маркази
34.	Денов тумани	Денов “Ишга марҳамат” мономаркази	Денов тумани касбий кўникмалар маркази
35.	Шеробод тумани	Шеробод касб-ҳунар ўқитиш маркази	Шеробод тумани касбий кўникмалар маркази
36.	Сариосиё тумани	Сариосиё касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Сариосиё тумани касбий кўникмалар маркази
37.	Шўрчи тумани	Шўрчи касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Шўрчи тумани касбий кўникмалар маркази
38.	Қизириқ тумани	Қизириқ касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Қизириқ тумани касбий кўникмалар маркази
Сирдарё вилояти			
39.	Гулистон шаҳри	Гулистон шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази	Гулистон шаҳри касбий кўникмалар маркази
40.	Оқолтин тумани	Оқолтин касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Оқолтин тумани касбий кўникмалар маркази
41.	Сардоба тумани	Сардоба тумани “Ишга марҳамат” мономаркази	Сардоба тумани касбий кўникмалар маркази
42.	Сайхунобод тумани	Сайхунобод касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Сайхунобод тумани касбий кўникмалар маркази
43.	Ховос тумани	Ховос касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Ховос тумани касбий кўникмалар маркази
Тошкент вилояти			
44.	Оққўрғон тумани	Оққўрғон тумани “Ишга марҳамат” мономаркази	Оққўрғон тумани касбий кўникмалар маркази
45.	Қибрай тумани	Қибрай касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Қибрай тумани касбий кўникмалар маркази
46.	Бекобод шаҳри	Бекобод шаҳар касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Бекобод шаҳри касбий кўникмалар маркази
47.	Пискент тумани	Пискент “Ишга марҳамат” мономаркази	Пискент тумани касбий кўникмалар маркази
48.	Бекобод тумани	Бекобод касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Бекобод тумани касбий кўникмалар маркази
Фарғона вилояти			
49.	Фарғона шаҳри	Фарғона шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази	Фарғона шаҳри касбий кўникмалар маркази
50.	Ўзбекистон тумани	Ўзбекистон туман касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Ўзбекистон тумани касбий кўникмалар маркази
51.	Бувайда тумани	Бувайда тумани “Ишга марҳамат” мономаркази	Бувайда тумани касбий кўникмалар маркази

T/p	Туман (шаҳар) номи	Негизда касбий кўникмалар марказлари ташкил қилинаётган муассасалар номи	Касбий кўникмалар маркази номи
52.	Фарғона тумани	Фарғона туман касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Фарғона тумани касбий кўникмалар маркази
53.	Қува тумани	Қува туман касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Қува тумани касбий кўникмалар маркази
54.	Фарғона шаҳри	Фарғона шаҳридаги ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази (KOICA)	Фарғона вилояти касбий кўникмалар минтақавий маркази
Хоразм вилояти			
55.	Урганч шаҳри	Урганч шаҳар “Ишга марҳамат” мономаркази	Урганч шаҳри касбий кўникмалар маркази
56.	Хонқа тумани	Хонқа касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Хонқа тумани касбий кўникмалар маркази
57.	Қўшкўпир тумани	Қўшкўпир касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Қўшкўпир тумани касбий кўникмалар маркази
58.	Янгибозор тумани	Янгибозор касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Янгибозор тумани касбий кўникмалар маркази
59.	Тўпроққалъа тумани	Тўпроққалъа касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Тўпроққалъа тумани касбий кўникмалар маркази
Тошкент шаҳри			
60.	Яшнобод тумани	Тошкент шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономаркази	Республика касбий кўникмалар маркази
61.	Шайхонтоҳур тумани	Тошкент шаҳар Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази	Шайхонтоҳур тумани касбий кўникмалар маркази
62.	Олмazor тумани	Олмazor касб-ҳунарга ўқитиш маркази	Олмazor тумани касбий кўникмалар маркази
63.	Учтепа тумани	Учтепа тумани “Ишга марҳамат” мономаркази	Учтепа тумани касбий кўникмалар маркази
64.	Юнусобод тумани	Тошкент Креатив технологиялар марказининг бир қисми (собиқ Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи)	Юнусобод тумани касбий кўникмалар маркази
65.	Сирғали тумани	Тошкент шаҳар ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази (KOICA)	Тошкент шаҳар касбий кўникмалар минтақавий маркази

Изоҳ: “Ишга марҳамат” мономарказларининг филиаллари қайта ташкил этилаётган касбий кўникмалар марказларининг филиаллар сифатида фаолиятини давом эттиради.

**Касбий кўникмалар марказларининг асосий
фаолият йўналишлари**


- 1) фуқароларни ички ва ташқи меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, хорижий тилларга ўқитиш;
- 2) хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган фуқароларни хорижий иш берувчилар талаби ва халқаро стандартлар асосида касб-ҳунарга тайёрлаш ва чет тилларга ўқитиш, уларни хорижга кетишидан олдин мослаштириш тадбирларини амалга ошириш;
- 3) хорижий иш берувчилар танловларини ўтказиш ва уларга хорижда ишлаш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштиришда кўмаклашиш;
- 4) иш берувчилар билан ишчи касбларга бўлган эҳтиёжлари ва малака талабларини ўрганиш ҳамда касб-ҳунарга тайёрлашда ҳамкорлик қилиш;
- 5) ишчи касбларни ривожлантириш ва оммалаштириш;
- 6) иш берувчиларга меҳнат унумдорлигини ошириш учун керакли касбларни аниқлашда ҳамда ходимларининг малакасини оширишда кўмаклашиш;
- 7) ишчи касблар бўйича касбий малакани баҳолаш ва тасдиқлаш;
- 8) ишсиз ва иш қидираётган фуқароларни касбга йўналтириш, маслаҳатлар бериш.

Тугатилаётган ҳамда бино ва иншоотлари
Давлат активларини бошқариш агентлигига
ўтказилаётган касб-ҳунарга ўқитиш марказлари
РЎЙХАТИ

Т/р	Туман (шаҳар) номи	Муассасалар номи
Андижон вилояти		
1.	Улуғнор тумани	Улуғнор касб-ҳунарга ўқитиш маркази
2.	Бўстон тумани	Бўстон касб-ҳунарга ўқитиш маркази
Бухоро вилояти		
3.	Қорақўл тумани	Қорақўл касб-ҳунарга ўқитиш маркази
Жиззах вилояти		
4.	Мирзачўл тумани	Мирзачўл касб-ҳунарга ўқитиш маркази
Наманган вилояти		
5.	Янгиқўрғон тумани	Янгиқўрғон касб-ҳунарга ўқитиш маркази
6.	Поп тумани	Поп туман “Ишга марҳамат” мономаркази
Тошкент вилояти		
7.	Пискент тумани	Пискент касб-ҳунарга ўқитиш маркази

Изоҳ. Касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг бино ва иншоотлари Давлат активларини бошқариш агентлигига белгиланган тартибда ўтказилганидан сўнг, уларни тугатиш ишлари амалга оширилади.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича
“йўл харитаси”

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Бажариладиган чора- тадбирларнинг пировард натijasи
I. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтириш борасида					
1.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда аҳолига бандлик хизматларининг маҳалла даражасида кўрсатилишини йўлга қўйиш, бандлик хизматларини кўрсатишда ягона ҳисобот юритиш тизимини жорий этиш. Бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш бўйича йўланмаларни маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси (кейинги ўринларда – ҳоким ёрдамчиси) томонидан бериш тизимини жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2025 йил февраль	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик)	Қуйидагилар: маҳалланинг ўзида фуқаро мурожаатини ҳисобга олиш ва бандлик хизматларини кўрсатиш имконияти яратилади; хизмат кўрсатишган фуқароларнинг манзилли рўйхати ва йўналишлар бўйича ҳисоботлар шаклланади; кўрсатишган хизматлар бўйича ягона тизим ҳамда ягона электрон база шаклланади. Меҳнат бўлиmlарининг иш самарадорлигини баҳолаш бўйича аниқ нормалар белгиланади.
2.	Иш берувчилар томонидан “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида иш ўринларини шакллантиришда иш ўрнига қўйиладиган малакавий ва бошқа талабларни киритишни мажбурий этиб белгилаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2025 йил март	Вазирлик	Миллий вакансиялар базасига киритилаётган бўш иш ўринлари бўйича малака талаблари ва бошқа маълумотлар тўлиқ шаклланади ва иш қидирувчилар учун бўш иш ўрни тўғрисида батафсил маълумот олиш имкони яратилади.

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш мuddати	Масъул ижрочилар	Бажариладиган чора-тадбирларнинг пировард натижаси
3.	Аҳолига бандлик хизматларини кўрсатишда "Барчага иш" тамойили асосида мавжуд автоматлаштирилган тизимларни такомиллаштириш. Бунда аҳолининг барча қатламлари, жумладан ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, пенсионерлар ҳамда кам учрайдиган касблар (мутахассисликлар)ни назарда тутиш.	Амалий чора-тадбирлар	2025 йил январь	Вазирлик	Мавжуд бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар асосида иш берувчилар учун муносиб номзодларни аниқлаш ва аҳолининг барча қатламларини иш билан таъминлаш имкониятлари ортади.
4.	Меҳнат бозорига кириб келувчи фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда маҳаллалар кесимида манзилли ишлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадида вазирлик ва идоралар ўз ахборот тизимларини Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ахборот тизимига интеграция қилган ҳолда манзилли маълумотларни жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақами билан бирга реал вақт режимида тақдим этиб бориш тизимини йўлга қўйиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2025 йил январь	Вазирлик, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Аҳоли бандлиги таъминланади, камбағаллик даражаси қисқартирилади.
5.	II. Камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида “Маҳалла еттилиги” томонидан интеграцияланган ягона платформада “Индивидуал дастур”ни тузиш орқали эҳтиёжманд оилалар муаммоларини ҳал этиш асосида камбағалликдан чиқариш имкониятини яратиш.				
		Амалий чора-тадбирлар	2025 йил давомида	Вазирлик, Ички ишлар вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси,	Камбағал муаммоларини ҳал этишда комплекс ёндашув жорий этилади.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш мuddати	Масъул ижрочилар	Бажариладиган чора-тадбирларнинг пировард натижаси
				Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси	
6.	Хитой Халқ Республикасининг Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ишлари вазирлигининг техник ва молиявий ёрдами билан амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхатини шакллантириш. Лойиҳаларни амалга ошириш мuddатларини келишиш ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш.	Келишув	2025 йил давомида	Вазирлик, Ташқи ишлар вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Манзилли рўйхат асосида ишлаб чиқиладиган лойиҳалар амалиётга татбиқ этилади.
7.	Ҳоким ёрдамчиларининг малака талаблари мувофиқлигини ўрганиш ва тегишли ҳокимликларга таклифлар киритиш ҳамда уларнинг малакасини доимий равишда ошириш.	Амалий чора-тадбирлар	2025 йил март	Вазирлик, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, туман (шаҳар) ҳокимлари	Ҳоким ёрдамчилари лавозиилари малакали кадрлар билан таъминланади.
8.	Ўз фаолиятида яхши натижаларга эришадиган ҳоким ёрдамчиларининг 200 нафарини Хитой Халқ Республикасига амалиёт ўташга юбориш	Амалий чора-тадбирлар	2025–2026 йиллар давомида	Вазирлик, Ташқи ишлар вазирлиги	Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлиги бўйича Хитой тажрибаси ўрганилади ва амалиётга жорий этилади.
9.	Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда Жамғарма тўғрисидаги низом тасдиқлангунга қадар Жамоат ишлари жамғармаси, Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Аҳолини	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2024 йил декабрь	Вазирлик, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя милий агентлиги	Мақсадли жамғармалардан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш орқали камбағалликни қисқартиришга эришилади.

T/p	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш мuddати	Масъул ижрочилар	Баъариладиган чора-тадбирларнинг пировард натижаси
	тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаларининг амалдаги молиялаштириш тартиблари сақлаб қолинади.				
III. Замонавий касбий кўникмаларга эга бўлган малакали ўрта бўғин ишчиларини тайёрлаш борасида					
